O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
YANGIQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING

QARORI

2021 - yil 30 - dekabr 465-6-90-Q/21 Yangiqo‘rg‘on tuman hokimligi

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги 4/20-4-сонли қарорининг 1-иловасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида.

Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт комиссиясининг 2021 йил 10 май куни бўлиб ўтган йиғилиш баёни қарорининг 1-бандига кўра Янгиқўрғон туман комиссияси томонидан тақдим этилган жами 103 та географик объектни қайта номлаш бўйича таклифидан 103 та географик объектнинг номи Ўзбекистон Республикаси “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддаси талабларига мувофиқ деб топилганлиги, шу билан бирга, экспертиза комиссияси қарорининг 2-бандига кўра 1 та объект номи (Барака МФЙ) Янгиқўрғон тумани комиссияси томонидан қайта кўриб чиқишлилиги кўрсатилган.

Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги 4/20-4-сонли қарорининг 1-иловасида англашилмовчилик туфайли, “Барака” МФЙ номини “Баркамол” МФЙ деб қайта номланган. Аслида “Дўлди” МФЙни “Баркамол” МФЙ деб қайта номлаш таклифи берилган. Шу туфайли Давлат реестрида “Баркамол” МФЙ “Дўлди” ва “Баркамол” номлари билан икки марта қайд этилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб ҳамда муҳокама қилиб халқ депутатлари туман кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Янгиқўрғон туман ҳокимининг маслаҳатчиси Д.Бойчаевнинг 2021 йил 26 июлдаги 20-сонли хати маълумот ва асос учун қабул қилинсин.

2. Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш эксперт комиссиясининг 2021 йил 10 май куни бўлиб ўтган йиғилиш баёни қарорининг 2-банди асос учун қабул қилинсин.

3. Халқ депутатлари Янгиқўрғон туман Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги 4/20-4-сонли сессияси қарорининг 1-иловасида келтирилган “Барака” МФЙ номини

“Баркамол” МФЙ алмаштириш тўғрисидаги таклиф бекор қилинсин.

4. “Барака” МФЙ номи ўзгаришсиз қолдирилиб “Барака” МФЙ деб номлансин.

5. Халқ Депутатлари туман кенгашининг мазкур қарори 10 (ўн) кун муддатда “Давергеодезкадастр” қўмитасига географик объектларининг номларини давлат реестрига киритиш учун тақдим этилсин.

6. Мазкур қарорни бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссия раислари зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **A.Najmiddinov**